

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ҳуқуқшунослик факультети

«Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси

Абдусаломов Азиз

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ЗАРАР
ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР**

«5380100-Юриспруденция» таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«Иш кўрилди ва ҳимоя қилишга
рухсат берилди»

Кафедра мудири: _____

« ____ » _____ 2011 й

Илмий раҳбар: доц.З.О.Қувондиқов

« ____ » _____ 2011 й.

Такризчи _____ доц. Ж.Ибодуллаев

« ____ » _____ 2010 й

САМАРҚАНД – 2010

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР

Режа:

Кириш

1.Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси ва унинг мазмуни

2.Фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби

3.Товарлар, ишлар ва хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарар ўрнини қоплаш усуллари

4.Маънавий зарар - зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг шакли сифатида

5.Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик чоралари ва уларни такомиллаштириш масалалари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

К и р и ш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимизни аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди – дея таъкидлади Юртбошимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош негизини асослаб берувчи ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Жумладан, унинг 53-моддаси бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил қилишини, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат муҳофазасидадир. Мулкдор мулкидан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин².

Бозор муносабатларини ривожлантириш ва уни мустаҳкамлаш аввало, ҳар бир шахснинг қонун ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини кафолатлашдан иборадир.

Ушбу кафолатлар аввало мамлакатимиз Конституциясида ва ушбу конституция асосида қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бу тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти эса мустаҳкам

¹.Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2009 йил, 11-бет.

ҳуқуқий базанинг яратилиши ва унинг ижроси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади. Республикамизда ўз фаолиятини юритаётган ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолияти қонун ҳужжатлар асосида қафолатланган бўлиб, ушбу субъектнинг янада эркин ҳаракат қилишини таъминлайди.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқлари аввало Ўзбекистон Республикасининг ФКда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларда белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳақида илмий тадқиқот ишларини олиб боришдан мақсад, ҳар бир фуқаронинг қонун ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишини тиклаш ҳамда бозор муносабатлари иштирокчиларининг шартномалардан ёки шартномалардан ташқари ҳолатда вужудга келадиган ҳуқуқларини тиклашга оид ҳуқуқларни тушуниш ва ушбу ҳуқуқларни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларни янада такомиллаштиришдан иборадир.

Бозор муносабатлари шароитида мажбурият муносабатлари фуқаролар билан фуқаролар ўртасида юридик шахс билан жисмоний шахслар ўртасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ёки иқтисодий фаолият натижасида тарафлар ўртасида тузилган битимлар ва шартномалар асосида вужудга келиши мумкин.

Мажбурият муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси асосида тартибга солинади.

Ушбу кодекснинг 20-боби мажбурият тушунчаси ва унинг тарафларини белгилайди. ФКнинг 234-моддасида мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муаян ҳаракатларни амалга оширишга, жумладан, мол-мулкни топшириш, иш баржариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва бошқалар ёки муаян ҳаракатдан қўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳақида кўплаб олимларнинг назарий-амалий фикрларини келтириб ўтиш мумкин.

Академик Х.Раҳмонкулов фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик қўйидаги иккита асос бўйича яъни зарарларни қоплаш ва неустойка ундириш шаклларида иборат эканлигини таъкидлайди¹.

Проф.И.Зокиров мажбурият субъектларининг жавобгарлиги қарздор бўлган шахс уни бутунлай бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, мажбуриятни бажариш юзасидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслиги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланиб, бу ҳол мажбурият бузилганлигидан далолат беради. Яъни, мажбурият юзасидан қарздор шахс кредиторнинг субъектив ҳуқуқини бузган ҳисобланади. Қарздорнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати ҳуқуқ нормаларига риоф қилмасликни билдирганлиги туфайли, жумладан, қарздор томонидан олинган мажбуриятнинг бутунлай бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ваш у билан шартнома интизомининг бузилиши – қонунчиликни бузиш деб, юритилишини тушунтиради².

Н.Эгамбердиева фуқаролик ҳуқуқида зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши ҳақиқий зарар, шунингдек бу шахснинг ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган лекин, ололмай қолган даромадлари бой берилган фойда тушунилишини ФКда белгиланган норма асосида таъкидлайди³.

Шартнома шартларини бузиш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллашни белгилаб, тарафлардан бирига етказилган зарарни ундириш мажбуриятини юклайди. Ушбу ҳуқуқий мажбурлов чораларини қўллашнинг асосий ҳуқуқий манбалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳисобланади.

Шунингдек, айрим олимлар фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик борасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориб, ушбу жавобгарликни келтириб чиқарувчи асослар ҳамда шартномага асосланган мажбуриятларнинг бузилиши фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг объектив тусдаги шарт-шароитларидан иборат эканлигини

¹ Раҳмонкулов Х.Р. Мажбурият ҳуқуқи. Т.: 2006. -143 б.

² И.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ. 2006 325-326-бетлар.

³ Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. Т.: 2007.60-61-бетлар.

ва мажбуриятларнинг бузилиши фуқаролик ҳуқуқи фанида ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат, яъни ҳуқуқбузарлик бўлиб ҳисобланишини тушунтирадилар¹.

Бу борада билдирилган назарий ва амалий фикр-мулоҳазалар шуни англатадики, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг қонунда белгиланган тартиб ва қоидалар асосида амалга ошириладиган у ёки бу тусдаги ҳаракатларининг оқибати фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларни келтириб чиқаради ва ушбу ҳуқуқларни бугунги кунда янада батафсилроқ ўрганишни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилиб, буларни янада чуқурроқ ўрганишни мақсад қилдик.

Шу ва бошқа обектив заруратларни ҳисобга олиб, биз мазкур битирув малакавий ишнинг мавзусини ҳам айнан шу муаммоларни ўрганишга бағишладик.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши масалалари юзаки деб бўлмайди. Бу муаммоларга фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги кўплаб олимлар ва амалиётчи мутахассислар эътибор қаратишган. Жумладан, академик Раҳмонқулов Х.Р, проф.И.Зокиров, проф.О.Оқюлов, проф.М.Раҳмонқулов, проф.Ф.Шодмонов, юф.д.К.Синдоров, ю.ф.н.М.Саттарова., ю.ф.н.Н.Эгамбердиева, доц.В.Эргашев, доц.Т.Бекмурадов, доц.А.Ғуломов., доц.З.Қувондиқов ва бошқаларнинг ишларида фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик муаммолари тадқиқ этилган.

Шунингдек, ушбу соҳада кўплаб хорижий олимлар ва мутахассислар ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Булар проф. Иоффе О.С., проф. Суханов Е.А., проф., С.Э.Братусь, проф. С.С.Алексеев., проф. Б.И.Пугинский ва бошқаларнинг ишларида ушбу муаммоларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Бироқ мазкур олимлар зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ижроси муаммолари юзасидан изланишлар олиб борган бўлсаларда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг турлари бўйича тизимли таҳлил олиб борилмаган яъни фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби; товарлар, ишлар ва хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган

¹ Қаранг: Ф.Шодманов. Қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик. Т.: 2004. 8-бет., К.Синдоров. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. Т.: 2003. 121-бет.

зарар ўрнини қоплаш усуллари; маънавий зарар - зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг шакли сифатида ҳамда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик чоралари ва уларни такомиллаштириш масалалари ўрганиб чиқилмаган дейиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Битирув малакавий иш мавзуси Алишер Навоий Номидаги СамДУнинг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, илмий Кенгашнинг 2010 йил 2-сентябрдаги мажлисининг 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Битирув малакавий иш мавзуси бўйича тадқиқот олиб боришдан асосий мақсад фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар, яъни зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, уларнинг тушунчаси, аҳамияти мазмуни, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг турлари, шартномавий ва шартномадан ташқари келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси уларнинг фарқли жиҳатлари, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришнинг моддий ёки процессуал чораларини қўллаш тартиби, улар ижросини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларни такомиллаштириш масалалири ишнинг асосий мақсади қилиб белгиланди.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқотнинг асосий вазифалари ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, илмий изланиш давомида қўйидаги вазифаларни ҳал этишга ҳаракат қилинди:

- зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси ва унинг мазмуни
- фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби
- товарлар, ишлар ва хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарар ўрнини қоплаш усуллари
- маънавий зарар - зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг шакли сифатида
- зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик чоралари ва уларни такомиллаштириш масалалари.

Тадқиқотнинг объекти - фуқаролик ҳуқуқида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, уларнинг турлари ҳамда вужудга келиш асослари билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети - зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг ижросини таъминлаш усуллари ҳамда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармасликнинг олдини олиш бўйича илмий-назарий ва амалий муаммолар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот ишида илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, тизимлилик, ҳуқуқий-мантикий, таҳлилий, қиёсий-ҳуқуқий ва бошқа шу каби усуллардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1.Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси фуқаролик-ҳуқуқи субъектларининг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси сифатида илмий-амалий жиҳатдан асослантирилди.

2.Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчасига қўйидаги янги илмий таъриф берилди: яъни, - зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар ва бой берилган фойдани ушбу зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ қопланишига айтилади.

3.Агарда етказилган зарар жабрланувчининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракати сабабли қилинган бўлса, зарар етказувчи шахс қонунга мувофиқ етказилган зарарни тўлаш мажбуриятидан озод қилинади.

4.Агарда етказилган зарар вояга етмаган шахслар томонидан ёки муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар томонидан етказилган бўлса, зарар етказган шахс фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод қилинади.

5.Фуқаролик ҳуқуқи қонун ҳужжатларига муваофиқ зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича агарда қонун ёки шартномада зарарни камроқ

миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зараранинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкинлиги илмий –назарий жиҳатдан асослантирилди.

6.Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар шартномадан ташқари ҳолатда вужудга келадиган мажбуриятлар шаклига мансублиги илмий-назарий жиҳатдан асослантирилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан ибортки, ушбу битирув малакавий ишда тадқиқотчи мамлакатимизда олиб борилаётган бозор иқтисодиётни шакллантириш шароитида фуқаролик ҳуқуқи фани олдида турган, ўрганиб чиқиши ва амалиётга татбиқ этилиши лозим бўлган асосий йўналишлардан бирига бағишланади. Мазкур тадқиқотда фуқаролик ҳуқуқида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси ва унинг турларини тизимли таҳлил қилишнинг ҳуқуқий муаммолари йиғиндиси биринчи марта битирув малакавий иш тарзида татбиқ этилган.

Ишнинг илмий янгилиги яна шундан иборатки, унда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг вужудга келиши, унинг ўзига хос жиҳатлари, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг шартномавий ва шартномадан ташқари вужудга келишнинг қиёсий таҳили, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг ижросини таъминлашнинг янги усуллари, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнидан озод қилиш масалалари ҳамда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонун ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-назарий ва амалий таклиф, тавсиялар ва хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишнинг назарий хулосалари, таклифлари ва тавсиялари мамлакатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий, иқтисодий ислохотлар жараёнида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек битирув малакавий ишнинг хулосаларидан келгусида ҳуқуқшунослик соҳасида таълим олаётган талабаларга фуқаролик ҳуқуқи фанидан

курс ишлари, рефератлар ҳамда талабалар томонидан илмий мақолалар ёзишда ва ушбу соҳага қизиқувчи шахслар фойдаланишлари мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иш жами 62 бетни ташкил қилиб, кириш, беш параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқида мажбурият институти икки катта қисмга биринчиси, шартномали мажбуриятлар, иккинчиси эса шартномадан ташқари мажбуриятларга бўлинади.

Шартномали мажбуриятларга оид ҳуқуқий институтлар жумласига олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, қарз, контрактация, пудрат, мулк ижараси, лизинг, уй-жой ижараси, юк ва йўловчилар ташиш, франшизинг, суғурта каби бир қатор шартномалар асосида бўладиган муносабатлар киради.

Шартномадан ташқари мажбуриятларга оид институтларга асосан қўйидагилар: зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-моддаси талабларида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида

фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши лозимлиги белгиланган.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ва зарар етказилганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасида кўрсатилган. Унда, ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги белгиланган.

Ушбу моддада етказилган зарарни тўлиқ қопланиши билан бирга қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга ҳам юклатилиши, қонун ҳужжатларида ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари товон тўлаш мажбуриятининг ҳам белигиланиши кўрсатилган. Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилиниши шунингдек қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлашга қаратиш мумкинлиги белгиланган. Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда белгиланган тартибларда тўланиши мумкинлиги шунингдек, агар зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса, зарар етказган шахснинг ҳаракатлари эса жамиятнинг ахлоқий тамойилларини бузмаса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкинлиги ҳам белгиланган.

Айрим манбаларда зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятларнинг умумий асослари атрофлича ўрганиб чиқиб қўйидаги шартлар бўлишлиги кўрсатилган. Жумладан, мулкӣ зарарнинг бўлишлиги; зарар етказувчининг хатти-ҳаракатлари қонунга ҳилоф бўлиши; қонунга ҳилоф ҳаракат билан зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши; зарар етказган шахснинг айби бўлиши талаб қилинади¹.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси ва унинг аҳамияти ҳақида республикаимизнинг бир қатор етакчи олимлари томонидан айрим асосли фикрлар илгари сурилган. Жумладан, «зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу мажбуриятлар шартномавий муносабатлардан ташқари, шахсга ёки

¹ Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон Республикасининг гражданлик ҳуқуқи. Дарслик. 2-қисм. –Т.: 1988 йил 202-бет.

мол-мулкка ғайриқонуний хатти-ҳаракат натижасида етказилган зарарларни қоплашга қаратилган»².

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-бобида кўрсатилган ушбу қонун қоидалар қаторида зарар етказишнинг олдини олиш, зарурий муҳофаа ҳолатида зарар етказиш, охириги зарурат ҳолатида зарар етказиш, юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга ҳилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик, зарарнинг ўз жавобгарлигини суғурталаган шахс томонидан тўланиши, ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-онанинг вояга етмаган фарзандлари томонидан етказилган зарарлар учун жавобгарлик, муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик, муомала лаёқати чекланган фуқаролар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунаолмайдиган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик ва бошқа қонунга ҳилоф ҳаракатлар учун ҳам фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятлар ва уларнинг турлари кўрсатилган.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбурият турларидан биринчиси бу зарар етказишнинг олдини олишга қаратилган мажбурият ҳисобланади. Ушбу мажбуриятнинг мазмун моҳиятини ўрганадиган бўлсак, бунда фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланиб, унда қонунга ҳилоф равишда зарар етказилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга, даъво қўзғатиш йўли билан тақиқлаш вазифасини бажаришга қаратилган ҳуқуқлар тушунилади.

Зарурий муҳофаа ҳолатида зарар етказганлик учун мажбуриятни белгиловчи ушбу модданинг мазмунида агар жиноятни ёки бошқа ғайриқонуний тажовузнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш учун қилинган ҳаракат, кўрилган чора

² Зокиров И., О.Оқюлов., Баратов М., Меҳмонов Қ. Мулк ҳуқуқи/ Масъул муҳаррир: ю.ф.д проф.И.Б.Зокиров. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. 379-бет.

қўлланилиши зарур бўлган ҳаракат ёки чора чегарасидан чиқиб кетган бўлса, бундай ҳаракатни бажарган фуқаро унинг натижасида жабрланувчи шахсга маълум миқдорда етказилган зарарни тўлайди. Агар ғайриқонуний тажовуздан ҳимояланиш пайтида ҳимояланувчи зарурий мудофанинг чегарасидан чиқмасдан учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланади. Масалан, фуқаро ўз шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқини тажовуз қилувчидан ҳимоя қилиш пайтида бошқа бир шахсга зарар етказган бўлса, зарар зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилмаган ҳолда юз берган бўлса, бундай зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланади.

Шунингдек, зарурий мудофаа ҳолатида зарар етказиш ғайриқонуний деб ҳисобланмайди. Масалан, безорилик ҳаракатлари, шунингдек бошқа жиноий ҳаракатларнинг олдини олишда ёки жиноятчини ушлашда фуқаронинг қонуний ҳаракатлари натижасида жиноятчига етказилган зарар тўланмайди.

Охирги зарурат ҳолатида зарар етказилганлик учун мажбуриятнинг тушунчаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 38-моддасида берилган. Унга кўра, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқладиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди¹.

Фуқаролик қонунчилигида ҳам охирги зарурат тушунчаси жиноят қонунчилигида берилган маънода тушунилади. Аммо жиноят қонунчилигида охирги зарурат жиноий жавобгарликдан озод қиладиган ҳолат бўлиб ҳисобланади. ФКнинг ушбу моддаси зарар етказувчини барча ҳолларда жавобгарликдан озод қилинишини назарда тутмайди. Лекин зарар етказувчи шахс охирги зарурат ҳолатида ўзининг ёки бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўйлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда суд органлари зарар етказган шахснинг ва учинчи шахснинг мулкӣ

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008 йил.

аҳволларини ҳисобга олган ҳолда зарарни тўлашдан тўла ёки қисман озод қилиши мумкин.

Юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик нормалари ЎзРФКнинг 989-моддасида белгиланган. Унга кўра юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат мажбуриятини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплаш билан белгиланади. Ушбу қонун моддасига кўра агар фуқаролар юридик шахснинг ёки уларни ишга ёллаган фуқаронинг топшириғи бўйича ёки назорати остида ҳаракат қилган бўлсалар ёки ҳаракат қилишлари лозим бўлган бўлса, улар ходимлар деб эътироф этилади ва бундай ходимлар томонидан уларнинг айби билан етказилган зарар учун юридик шахс ёки ишга ёллаган фуқаро жавобгар бўлади. Агарда ходимларнинг айби билан етказилган зарар, уларнинг меҳнат бурчларини бажариш билан боғлиқ бўлмаса, юридик шахс ёки фуқаро жавобгар бўлмайди.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарликнинг асосини ФКнинг 990-моддаси белгилайди. Унга кўра, давлат органларининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ёки бу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида, шу жумладан давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳужжатлар чиқарилиши муносабати билан фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъий назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозимлиги белгиланган.

Ушбу мажбурият бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилади. Масалан, бунда бир тараф давлат ҳокимияти органлари ва бир томонлама қонунга хилоф ҳаракат содир этишлиги ҳисобланади, иккинчидан, зарар етказишдан келиб чиқадиган зарарлар маъмурий идоралар томонидан чиқарилган ҳужжатлар натижасида вужудга келиши билан фарқланади. Шунингдек, фуқаролар давлат бошқарув органлари ёки фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларидан етказилган маънавий зарарни қоплашни ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг ўзига хос белгилари мажудлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилган. Жумладан ҳуқуқшунос олим Ю.К.Толстой бу белгиларни қўйидаги тартибда кўрсатади:

1.Муаян мажбуриятларнинг таъсир доираси зарарни қоплаш моддий хусусиятларга эга бўлишлигига қарамасдан мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ муносабатларни қамраб олади;

2.Улар мутлақ характерга эга бўлиб, мулкӣ ҳуқуқлар ёки шахсий номулкӣ манфаатларни бузилиши натижасида келиб чиқади;

3.Агар ҳуқуқ жабрланувчи билан шартномавий муносабатларда бўлган шахс томонидан бузилган бўлсада, мажбуриятлар мутлақ ҳуқуқлар бузилганлиги сабабали шартномасиз характерга эга бўлади;

4.Бу турдаги мажбуриятлар зарар ким томонидан етказилганлиги, қандай кўринишда етказилганлиги ва қоплаш усулларида қатъий назар тўлиқ қопланишини белгилайди;

5.Қонунда назарда тутилган ҳолларда зарарни тўлаш мажбурияти бошқа шахсларга ҳам юклатилиши мумкин¹.

Аслида зарар етказганлик учун фуқаро ёки юридик шахс ихтиёрий тартибда бирига етказилган моддий ёки маънавий кўринишдаги зарарни қоплаши керак. Акс ҳолда мажбуриятлар мажбурий тартибда суд идоралари томонидан ҳамда суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш органлари томонидан мажбурий тартибда ижро қилиниши мумкин. Айрим амалиёт материаллари билан танишиш натижасида қўйидаги мажбурият муносабатларининг бажарилмаганлик ҳолатларини учратиш мумкин. Масалан, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси даъвогар сифатида Самарқанд вилояти Жомбой тумани «Улуғбек» ширкат хўжалиги «сарой» қишлоғи хусусий фирма раҳбари А.Икромовнинг Жомбой тумани Н.Эсонтурдиев номли ш/хўжалигига нисбатан шартномага асосан бажарилган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари учун 16.825.032 сўм асосий қарз, 8.311.550

¹ Толстой Ю.К. Обязательства, возникающие вследствие причинение вреда. М.: Проспект. 1997. 695-бет.

сўм жарима ва 20.000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида Самарқанд вилоят Жомбой туманлараро судига даъво аризасини киритган.

Даъво аризасининг мазмунида хусусий фирма томонидан 2002 йилда Н.Эсонтурдиев номли ш/хўжалигига 35.408.000 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариб берилган.

Бироқ, 2003 йил июл ойининг 18 кунда Н.Эсонтурдиев номли ш/хўжалиги билан «А-Лайло» хусусий фирмаси ўртасида тузилган солиштирма далолатномага ҳамда ш/хўжалигининг бош ҳисобчиси ёрдамчиси А.Рахмонов томонидан берган тушунтириш хатига асосан бажарилган қурилиш ишлари учун ш/хўжалиги хусусий фирмага 16.815.032 сўм қарздор бўлган ва ушбу қарз тўланмасдан келинган¹.

Ушбу ҳолатлар юзасидан даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилиб, етказилган моддий ҳамда маънавий зарарларни қоплаш жавобгар шахсга юклатилган.

Бугунги кунда бу каби кўплаб мажбуриятларнинг бажармаслик ҳолатлари суд идоралари томонидан ҳимоя қилинмоқда. Ушбу ҳолатларнинг олидини олиш ва ушбу ҳолатларнинг такрорланишига йўл қўймаслик бўйича республика Адлия идоралари томонидан тақдимномалар киритилмоқда. Масалан, Самарқанд вилояти К.Қўрғон тумани «Улуғбек» ш/хўжалиги раиси Р.Жамаловга нисбатан келтирилган тақдимномада ш/хўжалиги томонидан 2004 йил ҳосили учун оила пудратчилари билан 1.527 минг тонна 122.160.000 сўмлик ғалла етиштириш тўғрисида 53 та оила пудрат шартномалари тузилган. Ушбу шартномаларни тузишда ҳар иккала томон кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, тузилган шартномаларнинг 15 тасида тузилган сана, ялпи маҳсулот қиймати, жами маҳсулот учун тўланадиган иш ҳақи миқдори, 1 гр ер майдонига тўғри келадиган бўнак аванс миқдори кўрсатилмасдан расмийлаштирилган.

Фикримизча бугунги кунда бу каби содир этилаётган ҳолатлар кўплаб хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома тузиш ва унинг қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқишини сезмасдан айрим тадбиркорларни ортиқча сансароликка дучор қилиб уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятига айниқса мулкӣ аҳволига жиддий таъсир ўтказмоқда.

¹ Самарқанд вилоят адлия бошқармаси архив материаллари. 2010 йил

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 2-кичик бўлими, 26-бобида шартнома тушунчаси ва унинг шартлари белгиланган. Ушбу кодекснинг 666-моддасида қурилиш пудрати шартномасининг мазмуни яъни унда тарафларнинг мажбуриятлари кўрсатиб қўйилган.

Шунингдек, ушбу кодексда пудратчининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб бориш мажбуриятлари ҳамда ишнинг сифати учун пудратчининг жавобгарлиги масалалари ҳам алоҳида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 985, 986-моддаларида зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари ҳамда зарар етказишнинг олдини олиш тартиблари кўрсатиб ўтилган.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг тушунчасида ҳақиқий зарар, бой берилган фойда ва маънавий зарарлар каби асослар муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим Ф.Шодманов шартнома мажбуриятларининг бузилганлиги учун жавобгарликнинг тушунчаси ва унинг аҳамиятини қўйидаги тартибда тушунтиради. Жумладан, шартномалар мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келишнинг асосидир. Шунга кўра шартномалар тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи асосий восита саналади. Муаллифнинг фикрича, шартнома шартларининг бузилишини олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишнинг асосий йўлларида бири, ҳуқуқӣ жавобгарлик нормаларини қўллаш шунингдек, бу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларидан фойдаланишдир. Амалиёт шуни кўрсатадики, айрим шартнома мажбуриятларини бажарувчилар баъзан уларни бажарилишига масъулиятсиз қарайдилар. Бундай ҳолларда мажбуриятни маълум ҳуқуқӣ чораларни қўллаш воситасида мажбуран бажарилиши таъминланади¹.

С.Братуснинг фикрича, жавобгарлик бу шартномага обрў кучини беради, унда кўрсатилган санкцияларни қўллаш билан шартнома томонларини керакли ҳаракатларни қилишга мажбурлайди¹.

¹ Ф.Шодманов. Қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик. Т.: 2004. 16-бет.

¹ Братус С.Н. О роли права в развитии производственных отношений. М.: Знание, № 36. 1954. –С.9

Мажбурият бўйича фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ичида етказилган зарарни қоплаш алоҳида ўринда туради. Шартномага асосланган мажбуриятларнинг бузилиши натижасида етказилган зарарни ундириш мураккаб фуқаролик ҳуқуқий жараёнлардан бири ҳисобланади. Жавобгарликнинг асоси сифатида етказилган зарарни ундириш умумий аҳамиятга эга бўлиб, қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса барча ҳолларда қўлланилиши мумкин бўлган фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 14-моддасида агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарни тўла қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлигини белгилайди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида зарар тушунчаси ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёхуд шикастланиши ҳақиқий зарар, шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари бой берилган фойда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 38-моддасида, тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни бу зарарни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда, шу жумладан бой берилган фойдани қўшиб қоплаши кераклиги ҳамда зарар етказувчи бўлмаган шахс зиммасига қонун билан зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти юклатилиши ҳам белгиланган.

Давлат бошқарув органларининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ноқонуний қарорлари натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни, уларнинг мансабдор шахслари айбидан қатъий назар, суднинг қарори асосида қопланиши керак. Шунингдек, ушбу қонуннинг 35-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъекти ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар тарқатганда, бундай маълумотларга раддия бериш билан

бир қаторда уларнинг тарқатилиши оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлиги қафолатланган¹.

Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида, назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари натижасида хўжалик юритувчи субъектларга етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозимлиги мустаҳкамланган².

Кейинги йилларда мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик оқибатида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарни қоплашда давлат бошқарув органлари раҳбар ходимларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш билан бирга зарарни бевосита назорат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаш тамойилларига эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда хусусий мулк эгалари, кичик ва ўрта бизнес субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олидини олиш ва бу борада содир этилаётган қонунбузилишларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор қарор ва фармонлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14-июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги¹ ПФ-3619-сонли Фармони муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу фармоннинг 3-бандида давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш суд қарори асосида тўла ҳажмда ана шу давлат органи томонидан биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилди.

¹ Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлар тўплами. Т.: 2003., 2-қисм.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. Т.: 1999. 1-сон.

¹ //Халқ сўзи газетаси, 2005 йил 15-июн сони.

Бугунги кунда ушбу норматив ҳужжат асосида кўплаб тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Бунга мисол хўжалик судлари томонидан давлат назорати идораларининг текшириш натижалари асосида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан турли хил кўринишдаги молиявий жарималар ундириш ҳақидаги қарорлари хўжалик судлари томонидан ноқонуний деб топилиб, хўжалик юритувчи субъектлар асоссиз жарималарни тўлашдан озод қилинмоқда.

Масалан, ҚҚРси хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан ҚҚРси Адлия вазирлигининг «Жонарис - Шохбут» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб хўжалик судига берган даъво аризаси қаноатлантирилиб, солиқ идоралари томонидан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарори бекор қилинган².

Ушбу ҳолатлар давлат бошқарув органлари ходимлари томонидан қонун ҳужжатларнинг мазмун -моҳиятини билмасликлари натижасида содир этилмоқда. Бу каби ноқонуний ҳаракатлар албатта хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига жиддий таъсир этиб, уларнинг ортиқча вақтларини ва маблағларини сарфлашга олиб келмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси кундан кунга ривожлантирилиб, улар томонидан тузиладиган барча шартномаларнинг талаблари бажарилиши қонун ҳужжатлар асосида ва судлар томонидан қаттиқ назорат қилинмоқда.

Шу ўринда «Инсон ва қонун» рўзномасининг 2010 йил 15-июнида чоп этилган сонига «Жарима қўлланган ходим нега хайфисан билан сийланди» номли мақолада ҳам ушбу муммоларни ўрганишга қаратилган. Унда Адлия органлари томонидан 2009 йил давомида ўтказилган тадбирлар натижасида назорат қилувчи органлар томонидан 64 та ҳолатда ноқонуний текширувлар ўтказилганлиги аниқланган бўлса, ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида назорат қилувчи органлар томонидан 38 та ҳолатда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва унинг ҳудудий органларининг

² Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Раёсатининг 2006 йил 29-августига 116-сонли қарори билан тасдиқланган маълумотнома.

рухсатисиз ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланган¹. Жумладан, Жиззах вилоятида 13 та, Сурхандарёда 10 та, Фарғонада 3 та, Тошкент шаҳрида 2 та, Навоийда 7 та, Наманганда 2 та ва Андижон вилоятларида 1 та ҳолатда ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланган.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ДСЭНМ ходимлари томонидан шаҳардаги якка тартибдаги тадбиркор «Искандаров Дониёр Батиёровичга» тегишли бўлган металга ишлов бериш цехида ноқонуний текширув ўтказилиб, тадбиркор Д.Исоходжаевга нисбатан маъмурий жарима қўлланилган.

Адлия органлари томонидан қўрилган чоралар натижасида тадбиркор Д.Исоходжаевга нисбатан қўлланилган маъмурий жарима бекор қилиниб, пул маблағи эгасига қайтарилган ва Чилонзор тумани ДСЭНМ ходимлари Р.Қобилов ва Ш.Турдиевларга нисбатан интизомий жазоси берилган.

Шунингдек, Навоий вилояти Қизилтепа тумани давлат ветеринария бўлими томонидан якка тадбиркор «Негов Зиёдулла» фаолиятида ноқонуний текширувлар ўтказилганлиги аниқланиб, қўрилган чоралар натижасида Қизилтепа тумани давлат ветеринария бўлими ходими С.Ҳасановга нисбатан интизомий жазо берилган.

Албатта бугунги кунда ушбу ноқонуний текширишлар каби ҳолатлар олди олиниб тегишли давлат идоралари ходимлари интизомий жавобгарликка тортилмоқда ва бу ҳаракатлар ҳам қандайдир маънода тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Мазкур ҳолатларнинг содир этилиши натижасида давлат бошқарув органларининг ходимларига нисбатан судлар интизомий жавобгарликларни белгиламоқда. Лекин тадбиркор ўз фаолиятини ўз маблағлари эвазига ташкил этадику. Шунинг учун ҳам тадбиркорга етказилган зарар фақат моддий кўринишда қопланиши керак деб ҳисоблаймиз.

2.ФУҚАРОНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИГИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ВА УНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

¹ З.Мустафоқулов. //Инсон ва қонун. 2010 йил 15-июн сони.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари асосида кафолатланади.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг бешинчи бобида мустаҳкамланган. Унда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир –бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкаалаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Шунингдек, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 2-моддасида ҳар бир инсон, бирор-бир айирмачиликка, ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди, ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишидан, мулкӣ аҳволи, қайси табақага мансублигига ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар барча ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби бўлиши кераклиги баён этилган¹.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг қабул қилинганлигига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2008 йил май ойида «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Республикаимизда инсон унинг ҳаёти, шаъни қадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланади ва бу демократиянинг муҳим белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ <http://www.google.com.uz>.Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 1948 йил 10-декабрь.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиб қоидалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-бобида белгиланган. Унда шартномаларга оид ёки бошқа мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари белгиланган¹.

Ушбу қонунда шартнома мажбуриятларини бажаришда, шунингдек, ҳарбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органларидаги хизматни ва бошқа шунга ўхшаш мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарар, агар қонунда ёки шартномада жавобгарликнинг анча юқори миқдори назарда тутилмаган бўлса, ушбу боб қоидаларига мувофиқ қопланади.

Шу тартибда ушбу бобда фуқаронинг соғлигига шикаст етказилганлиги туфайли қўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳажми ва хусусияти, соғлиққа шикаст етказилиши натижасида йўқотилган иш ҳақини аниқлаш, вояга етмаган шахснинг соғлигига шикаст етказилганида зарарнинг ўрнини қоплаш, боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён қўрган шахсларга зарарни тўлаш, боқувчиси вафот этган тақдирда қўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш миқдори, зарар етказган шахснинг меросхўрлари томонидан зарарнинг қопланиши, зарарни қоплаш миқдорининг ўзгариши, турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг миқдори оширилиши муносабати билан зарарни қоплашнинг кўпайиши, зарарнинг ўрнини қоплаш тўловлари, юридик шахс бекор қилинган тақдирда зарарнинг қопланиши ҳамда дафн этиш харажатларининг оқланиши каби ҳуқуқлари белгиланган.

Шартномаларга оид ёки бошқа мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида юқорида кўрсатилган бобнинг 1005-моддасида, фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни қоплаш бўйича умумий қоидалар белгиланган бўлиб, уларда фуқаро томонидан шартномавий мажбуриятни бажариш жараёнида унинг соғлигига, ҳаётига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш белгиланган.

¹Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: Адлия вазирлиги Расмий нашр. 2008 йил.

Булар қаторига меҳнат шартномаси, пудрат шартномаси, топшириқ ва бошқа шахсинг манфаати учун фуқароларнинг бевосита меҳнати билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни киритиш мумкин.

Демак, етказилган зарарни қоплаш барча ҳолларда юқорида кўриб ўтилган умумий қоидалар асосида ҳал қилинади.

Соғлиққа шикаст етказилганлиги сабабли кўрилган зарарнинг ўрнини қоплашнинг ҳажми ва хусусияти ҳам ушбу ФКнинг алоҳида 1006-моддасида белгиланган. Унда белгиланишича, фуқаро майиб қилинганида ёки унинг соғлигига бошқача тартибда шикаст етказилганида жабрланувчи оладиган ёки муаян равишда олиши мумкин бўлган яъни йўқотилган иш ҳақини, даромадларини, шунингдек, саломатлигини тиклаш бўйича қилган харажатларини шу жумладан даволаниши, қўшимча овқатланиши, дори-дармонлар сотиб олиши, протез қўйдириш, бировнинг парваришида бўлиши, санаторий-курортларда даволаниши, махсус транспорт воситаларидан фойдаланиши ёки уларни сотиб олиши, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиши каби харажатлар бўлиши мумкин.

Агарда ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, у ҳолда уларнинг ўрни қопланишини белгилайди.

Йўқотилган иш ҳақини ёки даромадларини аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёхуд соғлигига бошқача шикаст етиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси шунингдек, соғлигига зарар етказилмасдан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга сабаб бўлмайди.

Д.Якубовнинг фикрича, ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан судсиз ҳал қилиниши масаласи алоҳида эътибор талаб қиладиган масалалардан бири ҳисобланади¹.

¹ Д.Якубов. Иш берувчи томонидан ходимнинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни фуқаролик ҳуқуқий қоплаш. Фуқаролик кодексини такомиллаштириш муаммолари. /Конференция материаллари. Т.: 2007 йил, 253-255-бетлар.

Муаллифнинг эътироф этишича ушбу кўринишдаги содир этилган ҳаракатлар судсиз ҳал қилиниши лозимлигини билдиради. Бунга сабаб иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ҳисобланади. Агарда шартномада бундай келишув бўлмаса зарар кўрган шахс тўғридан -тўғри ушбу зарарни суд тартибида ундиришга ҳақли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 163-моддасида, ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касаллигига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган ёхуд шу сабабали боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан тўланадиган зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати татбиқ этилмаслиги белгиланган.

Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида фуқаронинг ҳаётига ёки соғлигига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талаблар, даъво муддати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво қўзғатилганидан олдинги кўпи билан уч йил ичида қондирилиши ҳамда жиноят сабабли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий этилмаслиги белгиланган.

Соғлиққа шикаст етказилиши натижасида йўқотилган иш ҳақини, даромадни аниқлаш тартиб қоидалари ФКнинг 1007-моддасида кўрсатилган. Ушбу моддада берилишича, ўрни қопланиши лозим бўлган йўқотилган иш ҳақи ёки даромаднинг миқдори ходимнинг майибланишигача ёки соғлиққа бошқача шикаст етказилишигача ёхуд меҳнат қобиляти йўқотилгунигача бўлган ўртача ойлик иш ҳақи ёки даромадига нисбатан жабрланувчининг касбий меҳнат қобилятини йўқотиш даражасига, касби йўқ бўлганда эса умумий меҳнат қобилятини йўқотиш даражасига мувофиқ фоизларда аниқланади.

Жабрланувчининг йўқотилган иш ҳақи ёки даромади таркибига унинг асосий иш жойидан, ўриндошлик асосида ишлайдиган жойдаги меҳнат ва фуқаровий-ҳуқуқий шартномлари бўйича тўланадиган, даромад солиғи олинадиган барча турдаги меҳнат ҳақи қўшилади. Фақат бир йўла тўланадиган тўловлар ҳисобга олинмайди. Лекин вақтинча меҳнатга қобилятсизлик даври ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш таътили учун тўланган нафақа ҳисобга олинади.

Вояга етмаган шахснинг соғлигига шикаст етказилганда зарарнинг ўрнини қоплаш ҳам фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида ҳимоя қилинади.

Ушбу ҳуқуқнинг қонуний асослари ФКнинг 1008-моддасида белгиланган. Унга кўра, ўн тўрт ёшга тўлмаган ва иш ҳақи ёки даромад олмайдиган вояга етмаган шахс майиб бўлиб қолган ёки соғлигига бошқача тартибда шикаст етказилган тақдирда зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши сабабли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Жабрланувчи ўн тўрт ёшга тўлганда, шунингдек ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган иш ҳақи ёки даромад олмайдиган вояга етмаган шахсга зарар етказилганда, етказилган зарар учун жавобгар шахс жабрланувчига соғлиққа шикаст етказилиши сабабли қилинган харажатлардан ташқари, шунингдек унинг меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонун ҳужжатларда белгиланган энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан келиб чиқиб қопланиши керак.

Вояга етмаган болаларнинг соғлигига етказилган шикастланишларини қоплаш тартиб қоидалари ФКнинг 985, 989-моддаларига мувофиқ белгиланади. Шунингдек, ошиқча хавф манбаи туғдирадиган фаолият сабабли етказилган зарар учун ФКнинг 999-моддасига асосан ҳам белгиланиши мумкин.

Вояга етган, яъни ўн саккизга тўлган болалар меҳнат фаолияти билан шуғуллансалар, уларга етказилган зарарни қоплаш ФКнинг 1006, 1007-моддаларига мувофиқ амалга оширилади. Аммо ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ етказилган зарар миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланиши керак¹.

Боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш тартиби ҳам ушбу кодексда белгиланган. Боқувчиси вафот этган тақдирда қўйидагилар зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлади:

- маҳрумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар;

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.: 1998 йил. 586-бет.

- маҳрумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди ҳамда меҳнат қобилиятидан қатъий назар марҳумнинг қарамоғида бўлган унинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасасининг хулосасига кўра саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришlashда банд бўлган ва ишламайдиган ота-оналардан бири, эри ёки хотини ёхуд оиланинг бошқа аъзоси ҳамда марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар зарарни ундиришга эга бўладилар.

Ушбу нормага асосан жабрланган шахс вафот этган тақдирда унинг ўлимига қадар қарамоқида бўлган шахсларга зарарни ундириш ҳуқуқи берилади.

Шу асосда мазкур модданинг учинчи қисмида боқувчисини йўқотган шахснинг оила аъзоларига зарарни тўлаш тартиби ҳам белгиланган:

- боқувчисини йўқотган шахснинг фарзанди ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар;
- ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча;
- эллик беш ёшдан ошган аёлларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга умрининг охиригача;
- ногиронларга ногиронлик муддати давомида марҳумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа сингилларини улар ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар парваришlashда банд бўлган ота-онасидан бири, эри ёки хотини ёхуд оиланинг бошқа аъзосига тўланиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқи нормалари боқувчиси вафот этган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш миқдорини ҳам белгилайди.

Боқувчиси вафот этганлиги сабабли зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга марҳумнинг ушбу кодекс 1007-моддасида кўрсатилган қоидалар бўйича аниқланган иш ҳақи ёки даромаднинг марҳум ҳаёт вақтида улар ўз таъминоти учун олган ёки олиш ҳуқуқига эга бўлган улуши миқдорида қопланади¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.: 1998 йил. 588-бет.

Мазкур шахсларга зарарни қоплашни аниқлашда мархумнинг даромадлари таркибига иш ҳақи ёки даромади билан бир қаторда у ҳаёт вақтида олган пенсия, умрбод таъминот ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар киритилади.

Зарар етказган шахснинг меросхўрлари томонидан зарарнинг қопланиши фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти унинг вафотидан кейин меросни қабул қилиб олган меросхўрларга ўтади.

Меросхўрлар жабрланувчининг олдидан ўзларига мерос бўлиб, ўтган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Вориссиз мол-мулк ўзига ўтган давлат ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳам ана шундай асосларда жавобгар бўлади.

Ушбу кодекснинг 1157-моддасига мувофиқ агар, қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса, мерос мол-мулки эгасиз деб ҳисобланади. Бундай мол-мулк ўзига ўтган давлат ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳуқуқни қабул қилиш тартибида вафот этган мулкдор томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Фуқаролик кодексининг 1012-моддасида меҳнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи зарарни тўлаш мажбурияти юкланган шахсдан исталган вақтда, агар унинг меҳнат қобилияти соғлигига етказилган шикаст сабабли ўзига зарарни ундириш белгиланган пайтда бўлганидагига қараганда ёмонлашса, қоплаш миқдорини тегишли тартибда кўпайтирилишини талаб қилишга ҳақли.

Етказилган зарарни тўлашга мажбур қилинган юридик шахс ёки фуқаро, агар кейинчалик унинг мулкӣ аҳволи заифлашган бўлса ёки жабрланувчининг меҳнат қобилияти зарар ҳақи тўланиш пайтига қадар бўлган ҳолатга нисбатан ошган бўлса ёки у оладиган пенсиянинг миқдори ошса, тўланадиган зарар ҳақининг тегишли тарзда камайтирилишини талаб қилиши мумкин.

Етказилган зарарни тўлашга мажбур қилинган юридик шахс ёки фуқаро, агар кейинчалик унинг мулкӣ аҳволи заифлашган бўлса ёки жабрланувчининг меҳнат қобилияти зарар ҳақи тўлаш пайтига қадар бўлган ҳолатга нисбатан ошган бўлса ёки у оладиган пенсиянинг миқдори ошса, тўланадиган зарар ҳақининг тегишли тарзда камайтирилишини талаб қилишига ушбу қонун асосида йўл қўйилади.

Шу тартибда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарни қоплаш асослари агарда турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан етказилган зарарнинг қопланиши кўпайтирилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланувчининг меҳнат қобилияти пасайиши, шунингдек вафот этиши билан боғлиқ бўлган зарар ҳақи ойма-ой тўланиб борилади. Бундай тартиб асосан меҳнат ҳақини тўлаш вақтига мос келади ва шу билан бирга жабрланувчининг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни ўз вақтида қоплашни амалга оширишга жавоб беради. Лекин баъзи ҳолларда ойма-ой тўлаш жабрланувчининг манфаати нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Фуқаролик қонунчилиги юридик шахснинг қайта тузилишида ёки унинг тугатилишида унинг томонидан фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарар учун тегишли тўловларни ундириш тартибини ҳам белгилайди. Юридик шахс қайта тузилганида зарарни қоплаш билан боғлиқ мажбуриятларни бажариш унинг ҳуқуқий вориси зиммасига юклатилади.

Жабрланувчи вафот этган тақдирда кўрилган зарар учун жавобгар шахслар дафн этиш учун зарур бўлган харажатлар ўрнини бу харажатларни қилган шахсга тўлаши шарт. Бунда яъни дафн этиш учун жабрланувчининг унинг болалари, қариндош-уруғлари томонидан қилинса ушбу шахсларга тўланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги 1995 йил 30-августдаги қабул қилинган Қонуни ҳам фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини уларнинг шаъни қадр қиммати ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришга хизмат қилади¹.

Юқорида ўрганиб таҳлил қилган номаларнинг асосий мақсади ва вазифаси фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига етказилган ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий зарар

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 11-сон. Т.: Адолат. 112-б.

фуқаролик кодексида белгиланган тартибда уни содир этган жисмоний ёки юридик шахс томонидан тўлиқ қопланишини кафолатлашга қаратилган.

3.ТОВАРЛАР, ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРДАГИ НУҚСОНЛАР ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

Товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарар ўрнини қоплашнинг ҳукуқий тартиб-қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси белгилайди. Ушбу кодекснинг 1-моддаси учинчи қисмида товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин ҳаракатда бўлиши белгиланган. Шунингдек, ушбу модданинг тўртинчи қисмида хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлса, товарлар ва хизматлар ҳаракатда бўлишини чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

ФКнинг 1017-моддасида товарнинг ишнинг, хизматнинг конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари оқибатида шунингдек товар, иш, хизмат тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг соғлиғи ёки мол-мулкига ёхуд юридик шахснинг мол-мулкига етказган зарар сотувчи ёки тайёрловчи, ижрочи томонидан, уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлгани ёки бўлмаганидан қатъий назар, қопланиши лозим. Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар товарни ишнинг бажарилиши, хизматларнинг кўрсатилиши тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун эмас, балки истеъмол мақсадлари учун сотиб олинган ҳоллардагина қўлланилиши белгиланган¹.

Товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарар ўрнини қоплашнинг назарий-ҳукуқий тушунчалари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳукуқида белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Т.: 2009 йил.

Юқорида берилган қоидалар билан бир қаторда етказилган зарарнинг ўрнини қоплашнинг қўйидаги фуқаролик ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиш мумкин.

Буларга;

- товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгар шахслар доирасини;

- товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари натижасида етказилган зарарни қоплаш муддатлари;

- товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилиш асослари белгиланган.

Фуқаролик қонунчилиги жавобгарликнинг белгиланиши учун бир канча фуқаролик-ҳуқуқий шартлар бўлишини назарда тутди. Улар сотувчи ёки тайёрловчининг, ижрочининг ҳаракатлари ҳуқуққа хилоф ҳаракат деб топилиши учун товарни ҳар қандай камчилик билан эмас, балки инсон ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказиши мумкин бўлган камчиликлар билан топшириш тушунилади (ФК1017-м). Бу каби камчиликлар яширин характерга эга бўлиб, улар товарни, ишни ва хизматларни истеъмол қилиш жараёнида намоён бўлади.

Зарар бу каби ҳолатда жавобгарлик шарти сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмайди. У жабрланувчи мол-мулкининг зарарланиши, йўқотилган соғлигини тиклаш учун қилинган ҳаракатлари ва бошқа ҳолатлардан иборат бўлиши мумкин.

Юридик адабиётларда қайд қилинишича сотувчи ёки тайёрловчига жавобгарлик белгилаш учун етказилган зарар ва товарлар камчилиги ёки жабрланувчида товар ҳақида тўла маълумот бўлмаганлиги ўртасида сабабий боғланиш бўлиши керак. Ушбу сабабий боғланиш товарнинг яроқлилик муддати мобайнида агар у белгиланмаган бўлса, товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ўн йиллик муддат мобайнида топилганидагина юридик кучга эга бўлади¹.

Товарнинг яроқлилик муддати озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, парфюмерия маҳсулотлари ва бошқалар учун давлат стандартлари асосида қонун-ҳужжатлар билан белгиланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Т.: Адолат, 1999 йил. 362-бет.

1996 йил 26-апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасида, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижроочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганлигидан қатъий назар ҳар қандай истеъмолчи товар(иш, хизмат)нинг нуқсони сабабли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Демак, сотилган товар, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар фақат олди-сотди, пудрат ёки юк ва йўловчилар ташиш шартномаларини тузган истеъмолчиларгагина эмас, балки шартнома тузмасдан товардан, бажарилган ишдан, кўрсатилган хизматдан фойдаланувчи шахсларнинг фойдасига ҳам қопланиши лозим.

Мазкур қоидага асосан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига шартнома иштирокчиси бўлмаган истеъмолчи фуқаролар билан бир қаторда юридик шахслар ҳам эга бўлади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, етказилган зарарни фақат истеъмолчи-фуқаролар бўлган тақдирда қоплашни амалга ошириш назарда тутилади.

Фуқаролик кодексининг 1017-моддасида юридик шахсларнинг ҳам мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш назарда тутилади. Лекин истеъмолчи фуқароларга ҳам, юридик шахсларга ҳам етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш учун берилган ҳуқуқнинг моҳияти шундан иборатки, ушбу модданинг қоидалари товарни(ишнинг бажарилишини, хизматнинг кўрсатилишини) тадбиркорлик фаолиятидагина эмас, балки истеъмол қилиш мақсадлари учун сотиб олинган ҳоллардагина қўлланилишини белгилайди.

Юқоридаги қонун ҳужжатларга кўра, шартнома асосида товар кимга сотилган, иш ким учун бажарилган, хизмат кимга кўрсатилган бўлишидан қатъий назар, товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсони оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун даъво қўзғатиш ҳуқуқига бошқа шахслар ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, сотиб олинган телевизор ёниб кетса, бунинг натижасида жабрланган шахс ким бўлишидан қатъий назар, телевизорни сотган шахсга ёки уни ишлаб чиқарганларга нисбатан соғлигига, мол-мулкига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳақида

сотиб олувчи ҳам, унинг меҳмони ёки қўшниси ҳам даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу қонуннинг мазмунида товарнинг нуқсони бўйича даъвони сотувчига ёки уни ишлаб чиқарувчига нисбатан қўзғатилиши мумкинлигини аниқлайди. Кимга нисбатан даъво қўзғатишни танлаш ҳуқуқи истеъмолчига берилган. Истеъмолчи деганда фақат товарни сотиб олувчи эмас, балки товардан фойдаланиш жараёнида унинг нуқсони туфайли зарар кўрган бошқа шахслар ҳам тушунилиши мумкин.

Юридик адабиётларда зарарни қоплаш усуллари ҳақида айрим назарий-ҳуқуқий тушунчалар берилган. Уларда ёзилишича, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ичида энг муҳим ҳуқуқлардан ҳисобланиб, унда етказилган зарар ўрнини зарар етказувчи томонидан қоплашни таъминлаш ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим тамойилларини ҳуқуқий жиҳатдан барқарор бўлишини таъминлаш билан боғлиқ эканлиги илмий жиҳатдан асослантирилган¹.

Фуқаролик кодексининг 1003-моддасида суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирса, иш ҳолатларига мувофиқ равишда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш (ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва бошқалар) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди.

Судларда зарарни қоплаш усулларида бирини танлаш ҳуқуқи ишнинг мазмунига қараб жабрланган шахсга берилади. Амалда зарарни натура шаклида қоплаш айрим ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. Чунки, бундай қарорларни ижро этиш муаян қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Юридик адабиётларда ҳам фуқаролик кодексида ҳам етказилган зарар уни етказувчининг қанчалик айби бўлишидан қатъий назар, тўла ҳажмда қопланиши лозимлиги асослантирилган.

Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгар шахслар таркиби ҳам фуқаролик кодексининг 1018-моддасида белгиланган. Ушбу моддага биноан товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар

¹ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент, 1999 йил 349-бет.

жабрланувчининг танловига кўра, товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси томонидан қопланиши лозим.

Ишнинг ёки хизматнинг нуқслони оқибатида етказилган зарар ишни бажарган ёки хизматни кўрсатган шахс(ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Товар (иш, хизмат) тўғрисида тўлиқ ёки ишончли маълумот бермаганлик оқибатида етказилган зарар ушбу модданинг талабларига мувофиқ қопланиши лозим. Шунингдек, ушбу моддада етказилган зарарнинг ким томонидан қопланиши лозимлиги ҳам кўрсатилган.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг илмий-ишларида зарарни қоплаш деганда, манфаати бузилган бир субъектнинг иккинчи субъект ҳисобидан қайта тиклаш тушунилишини эътироф этади¹.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик-ҳуқуқининг муҳим ва зарур институтларидан бири ҳисобланади.

Бу каби муносабатлар юқорида кўриб чиқаётган нормалар асосида тартибга солинади.

Бундай фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятлар фақатгина шартномавий муносабатлардагина намоён бўлмасдан, балки бирон-бир фуқаронинг шахсига, ҳаёти ва соғлигига, шаънига, қадр-қимматига, обрўсига ёки мулкига ғайриқонуний хатти-ҳаракат натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳам тушунилади.

Етказилган зарар фуқароларнинг ўзаро бир-бири билан бўлган муносабатларида ёки ўзаро манфаатларига зиён етказиш оқибатида вужудга келади. Зарар турли вазиятларда яъни эҳтиётсизлик, қасддан, табиий офатлар, бошқа тасодиқлар орқали етказилиши мумкин.

Юридик шахслар ўртасида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар шартнома мажбуриятларини бузганлик натижасида учун жавобгарлик асосларини Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни асосида белгиланади.

Ушбу қонуннинг 24-моддасида хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги тарафлардан бири

¹ Н.Эгамбердиева. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. ТДЮИ., 2007 йил. 67-бет.

шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бир тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб белгиланган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажарилмаганлик учун ушбу қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади¹.

Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Шунингдек юқорида кўрсатилган қонунга биноан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни, ишларни, хизматларни бажарганлик учун жавобгарлик, бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик, товарларни марка белгисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик ҳолда етказиб берганлик учун жавобгарлик, тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик учун жавобгарлик, товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик, товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик, маблағларни акцептсиз ўчириб ташлаганлик учун жавобгарлик, зарарни тўлаш, шартнома

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1998 йил сентябр сони.

мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги каби қонун қоидалар белгиланган.

Ушбу фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик нормалари фақат юридик шахсларга яъни ҳўжалик шартномасига асосланган корхоналарга татбиқ этилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бу каби жавобгарликнинг асосини фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ташкил қилиб, мажбуриятлар бўйича тарафларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш неустойка шаклида ундирилади.

Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари натижасида етказилган зарарни қоплаш муддатлари шартномадан ташқари яъни деликт мажбуриятлари инсон ҳаёти, унинг соғлигига ёки мол-мулкига етказилган зарарни қоплашда фуқаролик кодексида белгиланган муддатлар муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1019-моддасида товарлар, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар, агар у товарнинг, ишнинг, хизматнинг белгиланган яроқлилик муддатлари давомида етказилган бўлса, қопланиши лозим, мабодо яроқлилик муддати белгиланмаган бўлса, товар ишлаб чиқарилган, иш, хизмат қабул қилиб олинган кундан бошлаб ўн йил мобайнида қопланиши лозимлиги ҳам белгиланган.

Мазкур қонун нормасида назарда тутилган қоидадан ташқари бунда айрим истисноларга ҳам йўл қўйилган. Буларга зарарни қоплашга бўлган талабга нисбатан муддат умуман чекланган. Масалан, агар қонун ҳужжатларида талаб қилинишига қарамай товарнинг, ишнинг, хизматнинг яроқлилик муддати белгиланмаган бўлса, агар товарни сотиб олган, ишни бажартирган ёки хизматдан фойдаланган шахс яроқлилик муддати тугагандан кейин зарур бўлган ҳаракатларни қилиш тўғрисида ва кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса.

Демак, ушбу сабабларга кўра истеъмолчиларга зарар етказилган бўлса, бундай зарарни қоплашни талаб қилинишига нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди, зарар кўрган истеъмолчи эса ушбу зарар қачон етказилган бўлишидан қатъий назар, уни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди.

Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилиш асослари ҳам муҳим ҳуқуқлардан бири ҳисобланади.

Буларга сотувчиси ёки тайёрловчиси, ишнинг, хизматнинг ижрочиси, зарар енгиб бўлмас куч таъсирида ёки истеъмолчи товарларни сақлаш ёки улардан ишнинг натижаларидан, хизматлардан фойдаланиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузиши оқибатида етказилганлигини исботлаган ҳолларда жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги ФКнинг 1020-моддасида белгиланган.

4. МАЪНАВИЙ ЗАРАР - ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида маънавий зарар уни етказиш ва қоплаш усуллари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган. Шунингдек, маънавий зарар ихтиёрий тартибда қопланмаганлигида суд тартибида процессуал қонун ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Маънавий зарар шартномавий ёки шартномадан ташқари ҳолатлардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Маънавий зарар тушунчаси ва унинг келиб чиқиш асослари Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1021-моддасида белгиланган¹. Унга кўра, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

Ушбу қонунда маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъий назар қўйидаги ҳолларда қопланиши белгиланган:

- зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига ошиқча хавф манбаи асосида етказилган бўлса;
- зарар фуқарога уни қонунга ҳилоф тартибда ҳукм қилиш, қонунга ҳилоф тартибда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга ҳилоф тартибда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.:Адлия вазирлиги нашри 2008 йил.

қўллаш, қонунга ҳилоф тартибда маъмурий жазо қўлланса ва қонунга зид тартибда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

- зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш сабабли етказилган бўлса;

- қонунда назарда тутилган бошқа асосларда ҳам маънавий зарар қопланади.

Маънавий зарар бўйича жавобгарлик шартномага асосланмаган бўлиши ҳам мумкин. Бунда ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ деликт мажбуриятга эга бўлган жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Маънавий зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларида бири ҳисобланади. ФКнинг 100-моддасида, маънавий зарарни қоплаш фуқаронинг шахсий номоддий ҳуқуқлари, неъматларига етказилган зарар учун қўлланилиши белгиланган.

Маънавий зарар етказган шахсга нисбатан ҳам юқорида белгиланган асосларга кўра, агар уни етказган шахс ўзининг айбдорлигини исботлай олмаса, айбдор деб ҳисобланади ва ушбу ҳолатларга нисбатан фуқаролик кодексининг 1022-моддасига мувофиқ маънавий зарарни қоплаш усуллари ва миқдори қўлланилади.

Маънавий зарар пул шаклида қопланади. Уни қоплаш миқдорини белгилаш маънавий зарар кўрган шахснинг жисмоний ва маънавий азобларининг хусусиятларига боғлиқ бўлиб, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолатларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Шу билан бирга зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олинishi лозим.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади. Шунингдек, маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкӣ зарардан қатъий назар қопланиши керак.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга асосан, товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар ҳам мулкӣ, ҳам маънавий бўлиши мумкин.

Тўланиши лозим бўлган мулкый зарардан қатъий назар, маънавий зарар ўз ҳолича қопланиши тушунилади. Демак, маънавий ва моддий зарарнинг ҳар бирини алоҳида, шунингдек ҳар иккаласини ҳам биргаликда қопланишини талаб қилиш мумкин.

Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг қопланишига оид ҳуқуқий ҳужжатлар суд амалиётида ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19-декабрда «Меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақидаги» Қарори буларга яққол мисол бўла олади¹.

Ушбу қарорнинг мазмунида меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар ЎЗРнинг ФК, ЎЗРнингМК, ЎЗРнингФПК ҳамда ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1-февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари», Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6-июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги» Низом, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23-декабрдаги 498-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бюджетидан ташқари Пенсия жамғармасига маблағларни шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги» Низом билан тартибга солиниши судларга тушунтирилди.

Мазкур қарорнинг иккинчи қисмида судлар ходимга етказилган зарар ўрнини қоплашга оид низолар билан боғлиқ ишларни кўриш доираси белгиланган. Ушбу ишлар доирасига:

- иш берувчи томонидан ходимнинг соғлиғига етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳақидаги;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси 2003 йил 4-сон. 31-39-бетлар.

- иш берувчи томонидан ходимнинг соғлигига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафакани тўлаш ва қўшимча харажатларни қоплаш ҳақидаги;

- боқувчиси вафот этганлиги сабабли бир йўла бериладиган нафакани тўлаш ва етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги;

- зарарни қоплаш миқдорини ёки боқувчиси вафот этганлиги ёки боқувчиси вафот этганлиги натижасида зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини ўзгартириш ҳақидаги;

- қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан зарарни қоплаш миқдорини кўпайтириш ҳақидаги;

- жабрланувчининг соғлигига шикаст етказилганлиги оқибатида берилган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, иш ҳақидаги йўқотишнани тўлиқ қопламаган ёки унга бундай нафақа тўламаган ҳолларда етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги;

- қайта тиббий гувоҳлантиришдан сўнг соғлиққа шикаст етказилганлиги оқибатида етказилган зарар тўловларини тўлаш ёки қайта ҳисоблаш ҳақидаги;

- маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги низолар;

- соғлигига шикаст етказилганлиги муносабати билан ходимга, боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан эса, унинг оила аъзоларига етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ бошқа низолар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 197-моддасида, зарарни ундириш ҳақидаги аризани иш берувчига жабрланувчи ходим, у вафот этган тақдирда эса, зарар тўловини олишга ҳақли бўлган манфаатдор шахслар бериши мумкинлиги белгиланган¹.

Ходим ёки манфаатдор шахс иш берувчининг зарарни тўлаш бўйича чиқарган қароридан рози бўлмаса ёки белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, улар мазкур низони ҳал қилиб бериш учун судга даъво билан мурожаат қилиши мумкинлиги ҳам ушбу кодексда белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Т.: 2008 йил.

Ходимнинг майиб бўлиши ёки соғлиғига етказилган бошқа шикастланиш ёхуд боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан тўланадиган зарарни қоплаш ҳақидаги даъволар Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 145, 241-моддалари талаблари асосида, даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган судга ёхуд даъвогар турган жойдаги суднинг судловига тааллуқли бўлади¹.

Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳақидаги нормалар Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 10-моддасида ҳам белгиланган².

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 163-моддасига мувофиқ, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш вақтида уларга етказилган шикастлар ёки боқувчисинининг вафот этганлиги муносабати билан тўланадиган зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати татбиқ қилинмаслиги ҳам кўрсатилган.

Меҳнат жароҳати сабабли касб лаёқати йўқотилган ёки боқувчининг вафотидан сўнг уч йилдан кейин келтирилган даъво талаблари, ариза берилган кундан олдинги кўпи билан уч йил муддатгача қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида ҳар бир шахсни унинг шахсий ҳаётига аралашишидан ҳимояланиш ҳуқуқини, унинг ёзишмалари ва телефонда сўзлашувлари сир сақланиши кафолатланган. Қонунга зид равишда ёзиб олинган телефондаги сўзлашувлар далил ҳисобланмайди ва судлар бундай ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 56, 59-моддаларига асосланиб, ушбу далилларни ишда кўриш учун қабул қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги» ишлар бўйича 2006 йил 3-февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосидаги қарорида суд амалиёти 1996 йил 1-апрелдан амалга кирган Меҳнат кодексининг 112-моддаси, 1996 йил 26-апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунинг 22-моддаси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Т.: Адлия вазирлиги нашриёти. 2008 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Т.: Адлия вазирлиги нашриёти. 2008 йил.

тўғрисидаги» қонунинг 15-моддаси, 1997 йил 1-мартдан амалга киритилган ФКнинг 11, 99, 100, 163, 1021 ва 1022-моддалари, 1998 йил 29-августда қабул қилинган «Автомобил тўғрисидаги» қонунинг 19-моддаси ва бошқа қонунлар билан тартибга солинишига эътибор қаратилиши қатъий белгилаб қўйилди¹.

Судларда маънавий зарар билан боғлиқ ишларни кўриб ҳал қилишда судлар келиб чиққан низоларни тўғри ва ўз вақтида ҳал қилиш учун ҳар бир иш бўйича тарафларнинг ўзаро муносабатларини характерини ва бу ҳуқуқий муносабатга маънавий зарарни қоплаш бўйича қонунни қўллашга йўл қўйилишини, агар қонунда бундай жавобгарлик белгиланган бўлса, маънавий зарарни қоплаш тартиби ва шартларини назарда тутган қонунинг қачон қучга кирганини, шунингдек, маънавий зарарни келтириб чиқарган ҳаракатлар қачон содир бўлганлигини текшириши ва муҳокама қилиб баҳо бериши лозимлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида у бошидан кечирган ёки ўтказган маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар ҳисобга олиниши ҳақида судлар томонидан тушунтирилди.

Маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш ёки ўлими сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача шикаст етказиш сабабли, жисмоний оғриқ, етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказган бошқа касалликлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида маънавий зарар етказганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлувчи шартлардан бири зарар етказувчининг айби бўлиши ҳисобланади. Қонунда кўрсатилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991-2006. 2-қисм. Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди нашри, 2007 йил.

ҳолатлардан ташқари айбнинг мавжуд бўлмаслиги ҳам зарар етказувчи томонга жавобгарлик юклаши мумкин.

Агар зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилса, зарар фуқарога уни қонунга ҳилоф тарзда ҳукм қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳуқуқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга ҳилоф равишда қўллаш, маъмурий жазо қўллаш ва қонунга ҳилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса, зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш сабабли етказилган бўлса тегишли тартибда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 112-моддасига асосан, суд меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлик ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик оқибатида ходимга етказилган маънавий азобларни қоплаш мажбуриятни иш берувчига юклаши мумкин.

Иш берувчига бундай мажбурият интизомий жазо асоссиз қўлланилишида, ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказиш рад қилинганда, ишдан четлатилганда, меҳнат, меҳнат дафтарчаси, иш ҳақи, шунингдек бошқа тўловлар ўз вақтида берилмаганликда ҳам юклатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонуннинг 22-моддасида, истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, агар у айбдор бўлса, суд томонидан белгиланадиган миқдорда ҳақ тўлаш лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Зарарни қоплаш миқдорини неустойка бўйича тўланадиган сумма ёки товар (иш, хизмат) қийматига номуносив қилиб қўйиш мумкин эмас, уни белгилашда ҳар бир аниқ ҳолатда истеъмолчига етказилган руҳий ва жисмоний азобларнинг ҳажми ва характери асосланиши лозим. Шунингдек, маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкӣ зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъий назар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунинг 115-моддасида, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усулларида бири уларга етказилган маънавий зарарнинг қопланишини белгилайди.

Акциядорларга маънавий зарар дивидентлар нотўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланмаслиги, эмитентнинг банкротликни яшириш, сохта банкротлик ҳаракатлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ноқонуний чекланиши оқибатида етказилиши ҳам судлар томонидан эътиборга олинishi Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28-апрелидаги 7-сонли «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги» қарорида белгиланган¹.

Маънавий ва жисмоний азобларни қоплаш ҳақидаги даъво аризаларини судга қабул қилиш ва ушбу ишларни судда кўришда, суд маънавий зарар пул билан қоплансада, у номулкий зарар эканлигини ҳисобга олиши лозим бўлади.

5. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Умуман олганда зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Айрим юридик манбаларда берилган ғояларда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси мажбуриятдаги санкция тушунчасидан бирмунча қисқарок маънода тушунилади, чунки бунда қарздорнинг жавобгарлиги барча ҳолларда фақат мулкий шаклдаги жавобгарлик ҳисобланади. Жумладан, бировга етказилган зарар туфайли вужудга келадиган мажбуриятларда зарар етказувчи жабрланган шахсга етказилган зарарнинг пул билан ҳисобланган миқдорини тўла равишда тўлаши шарт¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991-2006. 2-қисм. Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди нашри, 2007 йил.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1-қисм. 4-нашр. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006 йил. 326-327-бетлар.

Шартнома бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги эса кредиторнинг кўрган зарарларини тўлатиш учун ҳам қарздордан неустойканинг ундирилиши учун асос бўлади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳақида илмий изланишлар олиб боришда ҳуқуқшунос олим Ю.К.Толстойнинг ғоялари ушбу мавзунинг мазмун моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Яъни;

1.Муаян мажбуриятларнинг таъсир доираси зарарни қоплаш моддий хусусиятларга эга бўлишлигига қарамасдан мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ муносабатларни қамраб олади;

2.Улар мутлақ характерга эга бўлиб, мулкӣ ҳуқуқлар ёки шахсий номулкӣ манфаатларни бузилиши натижасида келиб чиқади;

3.Агар ҳуқуқ жабрланувчи билан шартномавий муносабатларда бўлган шахс томонидан бузилган бўлсада, мажбуриятлар мутлақ ҳуқуқлар бузилганлиги сабабали шартномасиз характерга эга бўлади;

4.Бу турдаги мажбуриятлар зарар ким томонидан етказилганлиги, қандай кўринишда етказилганлиги ва қоплаш усулларида қатъий назар тўлиқ қопланишини белгилайди;

5.Қонунда назарда тутилган ҳолларда зарарни тўлаш мажбурияти бошқа шахсларга ҳам юклатилиши мумкин.

Бизнингча, фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарликнинг белгиланиши мазмунида икки муҳим хусусият мавжудлигини кузатиш мумкин:

1.Шартномадан ташқари ҳолатда бирор бир фуқаро ёки жисмонӣ шахсга етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарликнинг қўлланилиши фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқнинг қонуний кафолатланганлигидан далолат беради.

2.Фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарликнинг белгиланиши турли субъектлар ўртасидаги муносабатларда яъни, бунда шартнома муносабатларида шартнома интизомининг мустаҳкамланганлигидан далолат беради.

Ушбу иккинчи ҳолат бўйича ҳуқуқларнинг тикланиши ФКнинг 324-моддасида кўрастилган. Унга кўра, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим

даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шартлиги белгиланган.

Айрим олимларнинг фикрича, тадбиркорлик фаолияти субъектларига етказилган хатти -ҳаракатлар ЎзРЖКнинг 206-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилишини шунингдек, агар ушбу ҳаракатлар натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектига жуда кўп миқдордаги зарар етказилганда, ушбу модданинг 2-қисми бўйича малакаланишини асослайди¹.

Яна баъзи бир олимлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик жазо чоаралари шартнома тарафларининг маъсулиятини оширишга, шартнома шартларини ўз вақтида бажаришга ундайди. Шу билан бирга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартнома томондларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, кўрган зарарларнинг ўрнини қоплашга ёрдам беради деган ҳуқуқларни асослайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-моддасида, қонунийлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, яъни тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни ғайриқонуний равишда рад этиш ҳаракатлари содир этилса ёки шунга ўхшаш бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир этилса, мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлиш тартиблари кўрсатилган. Лекин ушбу мажбуриятларнинг қўлланилиши фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахсларга ёки хўжалик юритувчи субъектлар учунгина татбиқ этилиши мумкин.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик масалалари юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 985-моддасида белгиланган. Унга кўра, ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарар етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги кўрсатилган.

¹ К.Синдоров.,И.Жуманазаров Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг ҳуқуқий асослари.Т.: 2006., Янги аср авлоди нашриёти. 132-бет.

¹ Ф.Шодмонов. Бозор иқтисодиётида шартнома муносабатлари. Самарқанд 1997 йил., 11-бет.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик чоралари фуқаролик қонунчилигига асосан муаян мажбуриятлар натижасида ҳуқуқбузарликнинг моҳиятидан келиб чиққан тартибда қўйидаги чоралар қўлланилиши тушунилади:

- етказилган зарарни қоплаш;
- неустойка ундириш;
- мажбуриятни қарздор ҳисобидан бажариш.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг асосини турли хил соҳаларда содир этилган ҳуқуқбузарликлар ташкил этади.

Булар қаторига, инсон ва унинг соғлигига қаратилган ҳуқуқбузарликлар натижасида келиб чиқадиган зарарлар; фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича етказилган зарарлар; автотранспорт эгалари томонидан содир этилган йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар натижасида келиб чиқадиган зарарлар бўлиши мумкин. Шундай бўлсада, ЎЗР ФКнинг 987 ва 988-моддаларида зарурий мудофаа ҳолатида зарар етказиш ҳамда охириги зарурат туфайли зарар етказиш турлари кўрсатилган. Ушбу зарарлар агар зарурий мудофаа ҳолатида етказилган бўлса, лекин бунда шахс мудофаа чегарасидан чиқмаган бўлса, у етказилган зарарни тўлашдан озод қилиниши ҳамда агар шахсга унинг жиноий ҳаракатларининг пайини қирқиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган бўлса, бундай зарарлар унга тўланмаслиги белгиланган.

Юқоридаги ўрганилган қонун-ҳужжатлар ҳамда бу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган етакчи олимларнинг фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда бизнингча, ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликлар нафақат шартномадан ташқари ҳолатларда қўлланилиши балки ушбу жавобгарлик чоралари шартномавий муносабатларни ҳам ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш мумкин.

Хулоса

Ўзбекистон республикаси фуқаролик ҳуқуқида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишини олиб бориш натижасида қўйидаги илмий-назарий ва амалий фикр-мулоҳазаларга келдик:

1.Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчаси фуқаролик-ҳуқуқи субъектларининг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси сифатида илмий-амалий жиҳатдан асослантирилди.

2.Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тушунчасига қўйидаги янги илмий таъриф берилди: яъни, - зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар ва бой берилган фойдани ушбу зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ қопланишига айтилади.

3.Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда агарда етказилган зарар жабрланувчининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракати сабабли қилинган бўлса, зарар етказувчи шахс қонунга мувофиқ етказилган зарарни тўлаш мажбуриятидан озод қилинади.

4.Агарда етказилган зарар вояга етмаган шахслар томонидан ёки муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар томонидан етказилган бўлса, зарар етказган шахс фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод қилинади.

5.Фуқаролик ҳуқуқи қонун ҳужжатларига муваофиқ зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича агарда қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкинлиги илмий –назарий жиҳатдан асослантирилди.

6.Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар шартномадан ташқари ҳолатда вужудга келадиган мажбуриятлар шаклига киради.

7. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг асосини турли хил соҳаларда содир этилган ҳуқуқбузарликлар ташкил этади.

Булар каторига, инсон ва унинг соғлигига қаратилган ҳуқуқбузарликлар натижасида келиб чиқадиган зарарлар; фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича етказилган зарарлар; автотранспорт эгалари томонидан содир этилган йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар натижасида келиб чиқадиган зарарлар бўлиши мумкин.

8.Зарарлар агар зарурий мудофаа ҳолатида етказилган бўлса, лекин бунда шахс мудофаа чегарасидан чиқмаган бўлса, у етказилган зарарни тўлашдан озод қилиниши ҳамда агар шахсга унинг жиноий ҳаракатларининг пайини қирқиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган бўлса, бундай зарарлар унга тўланмаслиги лозим.

9.Юқоридаги ўрганилган қонун-ҳужжатлар ҳамда ушбу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган етакчи олимларнинг фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда бизнингча, ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликлар нафақат шартномадан ташқари ҳолатларда қўлланилиши балки ушбу жавобгарлик чоралари шартномавий муносабатларни ҳам ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш мумкин.

10.Ишнинг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар тўғрисида» ги қонуни қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу қонун қабул қилинса зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатини самарали ҳимоя қилишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. –Тошкент: //Фуқаролик жамияти, 2006. № 2.
2. Каримов И.А. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси. //Халқ сўзи, 2008 йил 26 март, № 60 (4470).
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2008 йил. –176 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. –Тошкент: //Фуқаролик жамияти, 2006. № 2.
5. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир.//Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.
6. Каримов И.А. Инсон манфаатларини устуворлигини таъминлаш барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Ватанпарвар, 2008 йил 15 август. № 7. (2238)
7. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. // Халқ сўзи, 2009 йил 14-февраль.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. //Инсон ва қонун.2010 йил 8-декабрь сони.
9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. //Зарафшон газетаси 2010 йил 2-феврал 14-сон.
- 10.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Ўзбекистон овози газетаси, 2010 йил 13-ноябр 132-сон.

Қонунлар ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент. Ўзбекистон. 2011. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. – Тошкент. Расмий нашр. 2007. – 520 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекси. – Тошкент. 2008. – 318 б.
4. ЎЗРнинг Хўжалик процессуал Кодекси. // ЎЗРси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 234-модда; 1998. 5-6 сонлар, 102-модда.
5. ЎЗРнинг „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонуни ЎЗРси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда.
6. ЎЗРнинг „Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида“ги Қонуни. //ЎЗРси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 670-1-сон, 9-сон, 170-модда.
7. „Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ЎЗРси Президентининг Фармони //Савдогар, 2005 йил 17 июнь, № 24.
8. „Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида“ги ЎЗРси Президентининг Фармони //Ишонч, 2005 йил 25 июнь, № 100.
9. „Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ЎЗРси Президентининг Фармони. //Зарафшон, 2005 йил 23 июнь, № 80.
10. „Ўзбекистон Республикасида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида“ги ЎЗРси Президентининг Фармони //Ишонч, 2005 йил 3 май, № 70.
11. „Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ЎЗРси Президентининг Фармони. //Ишонч, 2005 йил 15 июнь, № 94.

12. „Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги ЎзРси Президентининг қарори. //Халқ сўзи, 2005 йил 17 июнь. № 116

13. „Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎзРси Президентининг Фармони. //Халқ сўзи. 06.10.2005, № 119

14. ЎзРси Президентининг „Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги 2006 йил 24 майдаги Қарори. //Халқ сўзи, 2006 йил 26 май, № 100.

15. „Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида” ги ЎзР ВМнинг Қарори. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2002 йил 10 сентябрь.

16. „Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом” //ЎзРси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 18-56 бетлар. 2003 йил, № 8.

17. «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2011 йил 4-апрель. //Халқ сўзи газетаси 2011 йил 5-апрель сони.

18. «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида»Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2011 йил 18-апрель. //Халқ сўзи газетаси 2011 йил 19-апрель сони.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва хорижий давлатлар норматив ҳужжатлари:

1. “О Предприятиях и предпринимательской деятельности”. Закон РСФСР от 25 декабря 1990 г. -№ 445-1 с изм. и доп. от 24 июня 1992 г. -№3119-1.

2. Гражданский кодекс Российской Федерации. Части первая и вторая. – М.: Издательство “Новая волна”, 1996, - 512 с.

3. О Государственной регистрации юридических лиц и индивидуальных предпринимателей. Федеральный закон от 8 августа 2001 г. -№ 129 –ФЗ с изм. и доп. от 23 июня 2003 г. -№ 76 – ФЗ. (СЗ РФ. 2001. № 33.)

4. “О Крестьянском (Фермерском) хозяйстве” Федеральный закон от 11 июня 2003 г. № 74 ФЗ. (СЗ РФ. 2003. -№ 24.)

5. “О Регистрационном сборе с физических лиц, занимающихся предпринимательской деятельностью, и порядке их регистрации” Закон РСФСР от 7 декабря 1991 г. № 2000 -1 (БНА РФ. 1992. -№ 4-5.)

6. Закон О Федеральной торговой комиссии (Federal Trade Comission Act) Закон США 1914 г. (Самуэльсон П.Э., Нордхаус В.Д. Экономика. М.: СПб.: Киев, 2001. С. 296) [www http://Allpravo.ru](http://Allpravo.ru)

7. Единообразный Торговый кодекс США (The uniform commercial code of USA) Кодекс США 1952 г. с изм. и доп. от 1990 г. (Международный центр финансово-экономического развития. М.: 1996). [www http://Allpravo.ru](http://Allpravo.ru)

Суд амалиёти материаллари:

1. „Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулккий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги ЎзРси Олий ҳўжалик суди Пленуми Қарори. //ЎзРси Олий ҳўжалик суди Ахборотномаси 2007 йил, № 11.

2. „Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги ЎзРси Олий Суди Пленумининг Қарори. 2003 йил 19 декабрь, -№19. ЎзРси Олий Судининг Ахборотномаси 2003 йил, -№4.

3. „Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида”ги ЎзРси Олий Судининг 2000 йил 28 апрелдаги 84-сонли Қарори. //Хўжалик ва ҳуқук, 2000 йил, -№ 8.

Илмий адабиётлар:

а) Дарсликлар, ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Ғ.Н. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари. (ўқув қўлланма), -Андижон: “Андижон нашриёт матбаа” “ОАЖ”, 2006. -78 б.
2. Баратов М.Х. Давлат- фукаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –ТДЮИ, 2005. -111 б.
3. Васильева М.Л. Коммерческое право. Краткий курс. 2- ое издание. СПб. Питер, 2005. – 240 с.
4. Вагацума С., Т. Аридзуми. Гражданское право Японии. Книга первая – М.:1983.
5. Витрянский В.В., Герасименко С.А., Гемофеев В.В. Практика применения хозяйственного законодательства: предпринимательство отношения собственности аренда и договора. – М.: “Экономика и право” 1991. – С.91
6. Грибанов В.П. Осуществление и защита гражданских прав. Изд. 2-е, стереотип. – М.: “Статут”, 2001. – 411 с. (Классика российской цивилистики).
7. Гудошников Л.М. Правовые аспекты модернизации в КНР – М.: Наука,1990. –316 с.
8. Гражданское право: учебник в 3-х томах. Т.1. – 6 –е изд. перераб. и доп. Н.Д.Егоров, И.В.Елисеев и др. Отв. Ред.А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. – М.: ТК Вельби, изд.во. Проспект, 2006. –776 с.
9. Гражданское право: в 4 -х томах. Т.1. Общая часть: учебник. Отв. Ред. Проф.Е.А.Суханов. -3-е изд. Перераб. и доп. – М.:Волтерс Клувер, 2005. – 720 с.
10. Гражданское право: учебник для вузов. Под. Ред. Проф.В.В.Залесского, М.М.Рассола. – М.:ЮНИТИ – ДАНА, Закон и право. 2002. –703 с.
11. Гражданское право: Учебник. Под ред. С.П.Гришаева. – М.: Юрист, 1999. – 484 с.
12. Гафарли М.С. А.Ч.Касаев. Ривожланишнинг ўзбек модели, тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

13. Голованов Н.М. Обязательственное право: учебник. СПб: ПИТЕР, 2002. – 448 с.
14. Гатин А.М. Гражданское право: учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков И К”, 2008. – 384 с.
15. Грудцына Л.Ю. Справочник по гражданскому праву от А до Я ./ Спектор. Ростов н/Д: Феникс, 2007. – С.109-129.
16. Дойников И.В. Хозяйственное (предпринимательское) право: Учебник новый курс. – М.:Изд-во ПРИОР, 2001. –512 с.
17. Ершова И.В, Иванова Т.М. Предпринимательское право. – М.: Юриспруденция, 1999. – 336 с.
18. Малеин Н.С. Имущественная ответственность в хозяйственных отношениях. –М:Наука, 1968. – 263 с.
19. Мушинский В.О. Гражданское право. – М.:ФОРУМ:ИНФРА 2002.– 214 с.
20. Мустақиллик изохли илмий - оммабоп луғат. –Тошкент, 1998. – 204 б.
- 21.Жилинский С.Е. Предпринимательское право (правовая основа предпринимательской деятельности): Учебник для вузов. – 3-е изд., и доп. – М.: Издательства Норма. 2002, –672 с.
22. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2006. – 416 бет.
23. Иоффе О.С. Избранные труды по гражданскому праву: Из истории цивилистической мысли. Гражданское правоотношение. Критика теории “хозяйственного права”. – М.: “Статут”, 2000. – 777с. (Серия “Классика российской цивилистики”).
- 24.Олейник О.М. Предпринимательское (Хозяйственное) право. Т.-1.- М.:1999. –727 с.
25. Ойгензихт В.А. Проблема риска в гражданском праве. (Часть общая), Изд-во “ИРФОН” – Душанбе, 1972. – С.39.
26. Оқюлов О. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқининг долзарб муаммолари. (ўқув қўлланма) –Тошкент:ТДЮИ, 2007. -147 б.

27. Синдоров К.О., И.Жуманазаров. Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг ҳуқуқий асослари. –Тошкент. Янги аср авлоди, 2006. – 289 б.

28. Серебровский В. Страховой риск. Сборник статей кафедры “Проблема современного права” правового факультета Харьковского инст. народ. хозяйства. Посвященной памяти акад.М.Гордона. 1927. -189 с.

29. Топилдиев В.Р. Таъсис шартномаларининг назарий ва амалий муаммолари. – Т.: 2006. -112 б.

30. Предпринимательское право: учебник. Под. ред. Н.М.Коршунова., Н.Д.Эриашвили. – М.: 2000. – 253 с.

31. Предпринимательское право РФ. Сборник нормативно-правовых актов. Е.П.Губин., Паращук С.А. МГУ им. М.В Ломоносова. – М.: Юристъ, 2003. –847с.

32. Предпринимательство. Учебник для вузов. Под ред. проф.В.Я.Горфикеля., проф.Г.Б.Поляна. 3-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 581 с.

33. Пугинский Б.И. Структурные факторы совершенствования механизма.- М:ИГП АН СССР. 1987. - 231 с.

34.

35. Раҳмонкулов Х.Р. Хусусий мулк ва тадбиркорлик. – Тошкент, Адолат, 2001. –70 б.

36.Раҳмонкулов Х.Р.Обязательственное право. –Ташкент, ТГЮИ, -2005. – 305 с.

37.Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик ҳуқуқи (умумий қисм). Дарслик. – Тошкент, 2002. –672 б.

38. Фоков А.П. Гражданское право. Общая и особенная части: учебник /А.П.Фоков., Ю.Г.Попонов., И.Л.Черкашина., В.А.Черкашина. отв. Ред.А.П.Фоков. – М.: КНОРУС, 2005. – 688 с.

39.Khanka S.S. Entrepreneurial development. New Delhi –2005. –405 с

40.Шодманов Ф.Ю. Бозор иқтисодиётида шартнома муносабатлари. Самарқанд., 1997. - 10 б.

41.Шодманов Ф.Ю. Қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик. (Ўқув қўлланма) –Т.:2004. - 94 б.

42.Эгамбердиева Н.Х. Фукаролик-хукукий жаавобгарликнинг асослари ва шакллари. ТДЮИ, 2007. - 99 б.

43.Эннекцерус Л. Курс Германского гражданского права. Том–1 –М.:1950. – 434 с.

44. Elliot I. Klayman. Irrwins Busneus law: concepс, analysis, prespectives –USA.: 1994.

б) Илмий мақолалар:

1. Абдуллаев А., Т.Мўминов. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари. //Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000.- № 4.

2. Адилходжаева С. Поддержка предпринимательства приоритетное направление государственной стратегии. //Давлат ва ҳуқуқ.2000.№ 2.

3. Андреев В. Создание акционерных обществ и контрол за его деятельностью. //Хозяство и право. 1996. - № 4. – С.95.

4. Анортоев И. Фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга соладиган қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари. //Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Ахборотномаси. – Т.:2005. -№ 4. –Б.29-32.

5. Кан И. О видах предпринимательской деятельности. //Давлат ва ҳуқуқ. 2001. - №1.

6. Малеин Н.С. Несотворимость и индивидуализация ответственности. //Советское государство и право. 1982. № 11. – С.47.

7. Раҳмонқулов. Х.Р. Тадбиркорликнинг мулкӣ ва ҳуқуқӣ асослари тўғрисида. //Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000. -№ 11.

8. Рустамбоев М.Х., О.Оқюлов. Тадбиркорликнинг ҳуқуқӣ ҳимояси. Муаммо ва ечими, тараққӣёт таянчи. // Ҳаёт ва қонун. 2002. -№ 5. –Б. 18-20.

9. Синдоров К.О. И.Жуманазаров. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлик оқибатида етказилган зарарни қоплашнинг айрим хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик Судининг Ахборотномаси 2005. - № 5, –Б. 30-33.

10.Юридик энциклопедия. /Юридик фанлари доктори, профессор
У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. - 656

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3-10
1. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ.....	11-22
2. ФУҚАРОНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИГИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ.....	23-31
3. ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРДАГИ НУҚСОНЛАР ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ЎРНИНИ ҚОПЛАШ УСУЛЛАРИ.....	32-39
4. МАЪНАВИЙ ЗАРАР ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА.....	40-47
5. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР ЮЗАСИДАН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	48-51
ХУЛОСА.....	52-53
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	54-63